

---

**Журналист ва блогерлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.** Қува тумани аввалдан кўчатчиликка ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда **20 млн.туб** мевали, **8 млн.туб** манзарали, **4 млн.туб** тут ва **10 млн.туб** гул кўчатлари аҳоли томорқалари ва кооперациялар томонидан етиштирилмоқда.

Кўчатларни етиштиришда юқори ҳосилдорликка эга, эрта пишар, иқлимбоп мева кўчатларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қува тумани ҳокимлигида журналист ва блогерлар иштирокида ўтказилган матбуот анжумани Қува туманида интенсив боғлар учун юқори ҳосилдорликка эга иқлимбоп мевали кўчатлар етиштириш борасида тадбирлар юзасидан сўз борди.

Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров туманда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берди.

Кун тартибидаги масала юзасидан журналист ва блогерлар томонидан берилган саволларга тегишли жавоблар берилди.

2022-02-28 12:29:58